

ДЕКАБРЬ 12 1988

ISSN 0235-1277

КРАТ

Бүгүнкү күнү



БЮРО



ЁШ КУЧ



Ғалам тўқувчи қизлар
Н. МУҲАММАДЖОНОВ ФОТОГРАФИ

БИР КУНГА ЖО КЕЛАЖАК



Мақтаб ўқитувчиси, айни пайтда мискарлик касбини ҳам эгаллаган Мусо ака ўғли Исога ҳам бу ҳунарни ўргатапти.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

Ҳеч қачон келажак бир кунга жам бўлмайди. Келажак бу — эртанги кунлар, ойлар, йилларда ўз қиёфасини топади, дейишингиз мумкин.

Мантиқан сиз ҳақсиз. Биз бугунги қайта қуришлар эпкинида масалага сал бошқачароқ қарамоқчи бўлган эдикда...

— Бошқачароқ деган сўзингизни тушунтириброқ айтингда бўлмаса.

— Унда мана бу воқеани тинглашингизга тўғри келади.

... Қадимий Хива шаҳридаги осмон-ўпар минораларнинг сояси кун чиқишга қараб узая бошлаганда Абдушариф мискарнинг дўкони гавжум бўлиб кетди.

— Ассалому алайкум отажон, ҳоримадингизми?

Саломлашган киши Абдушариф мискарнинг ўғли Мусо бўлади. У мактабда меҳнат таълимидан дарс беради.

— Ассалому алайкум бобожон!

Абдушариф мискарнинг олти нафар невараси бор. Яъни Мусонинг фарзандлари. Ленин номли мактабда ўқишади. Бари ҳунармандларнинг қадимий удимига кўра қўлларини кўксиларига қўйиб, бошларини хиёл эгиб, бирин-кетин бобога салом беришади. Олдин Манзура — 8-синфда ўқийди, кейин Мавлуда — 6-синфда ўқийди, Майрамби — 5-синф, Исо — 3-синф, Бежжон — 1-синф, энг охирида беш ёшли Мухаммадеқуб саломга оғиз жуфтлайди. У ҳозирча «ассалом» дея олади холос.

Абдушариф мискар одати бўйича, албатта невараларидан ўқишларини сураб, кўнгли урнига тушгач, бугунги ишга фотиҳа ўқийдида, уйга жўнайд. Бобо ўрнини Мусо ва унинг ўғил-қизлари эгаллашади.

Бу дўкон асосан Хивадаги бадийи буюмлар фабрикасининг буюртмаларини бажаради. Хоразмнинг миллий мис қумғонларини ясашади. Ажаблანарсиз, мискарнинг иши сандонда битса, ўқувчиларнинг қўлидан нима иш келади деб.

Ҳар бир ҳунарни ўзига хос нозик томонлари бўлади. Бу катталарнинггина ишини болаларга ишониб бўлмайди деган гап эмас. Катталар қумғонни ясаб, таглиги билан жумрагини ўрнатиб беришгач, (Хоразм қумғонларида банд бўлмайди, бунинг урнига бўйни оққушнинг бўйнидек узун бўлади ва у банд ва-зифасини бажаради) у ёғи ишонасизми, йўқми, болалар қўлига ўтади. Улар қумғонларнинг қавшарланган жойларидаги хунук бўртикларни эгов билан текислашади. Бу иш катта куч талаб қилмайди. Баъзан қумқоғоз ишлатилади. Тентекис долга келгач, қумғонлар яна катталар қўлига ўтади. Улар қумғонларни юқори ҳароратда қиздириб, устига бир хил қалинликда қалайи суртиб, оқартиришади. Шу билан иш тугамайди. Оқланган қумғонлар яна Манзура, Мавлуда, Майрамбилар қўлига қайтади.

Эҳ, бу муҳандис қизларнинг қумғонлар сиртига гул ўйишларини кўрсангиз, пичоқлари жез устида эмас, худди сариеғ устида юргандек. Яна гулларни чизма-чизиқсиз чама билан шундай ўядиларки, қани энди бирор бир миллиметрда хато топсангиз.

Дўкондаги бу ишлар бир, бир ярим соат давом этади. Ундан кейин опа-ука-

лар уйга қайтиб дарсга қарашади...

Шу ерда журналхоннинг кўнглига битта ҳолат ўтиришмайроқ турибди. Ахир мис қумғонлар билан ишлаш унақасигаям, бунақасигаям ўғил болаларнинг иши, қизлар қизларга хосроқ иш билан шуғулланишса бўлмайдими демоқчисиз. Гап унда эмас, жезга гул туширишни билган қизлар каштаю ёстиқ жилдларига ҳам ўхшатиб гуллар туширишни, бирон матодан қўйлақ тикиб олишни ҳам эплашади. Гап шундаки, улар оиланинг ҳар куни уч марта ёзиладиган дастурхонига, бир марта осиладиган қора қозонига ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Бундай оилаларда дастурхондаги нон, қозондаги таом қанчалар тотли бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Унинг сингишимлигини айтинг. Ахир ҳамма меҳнат қиялтида!

Бу меҳнат мажбурийми, ихтиёрийми, дерсиз. Мусо ва турмуш ўртоғининг ойлиги қўшилганда уч юз сўмга етар-етмас. Ҳўш, шу маош билан саккиз жон кун кўра оладими? Яхшики Мусо отасига эргашиб мискарлик касбига меҳр қўйди. То олий ўқув юртини тугатгунча ҳам шу касб қўнига яради. Мана энди бола-чақалари кўпайгач, ота касби яна кўмакка келди. Фабрика улар ясаган қумғонларнинг ҳар бирини 11 сўм 60 тийиндан сотиб олади. Оила ойига икки юз сўм атрофида қўшимча даромад қилади. Шундай экан, ўқитувчи Мусо нима учун ўғил-қизларига ота касбини ўргатмаслиги керак?! Меҳнат ва ҳунарни киз бола, ўғил-боласи бўлмайди. Унинг охириги натижаси битта нонингни ҳалоллаб е! Ҳа, шунга болалиқдан ўрган, дейди меҳнат!

Биз бу ўқувчиларнинг уйларида ҳам бўлдик. Меҳмонхонани улар шундай қиёфага киритишган эдики, гуё хонада эмас, гулзор ичида ўтиргандек бўласиз. Эринмай санаймиз — 22 донга хитой гуллари, Ҳар бирининг пояси биладек келади. Махсус ёғоч тувакларга ўтқазилган. Гуллаб ётибди.

Болаларнинг кундаликларини, ёзув дафтарларини кўздан кечиришимиз. «4» ва «5», онда-сонда «3» ҳам учраб туради. Болалар бизга ҳатто қишга сўйиш учун ўзлари боққан каттақон шохдор кўчқорчи ҳам кўрсатишди.

Бу оиланинг бахтиёрлигини фақат кийим-кечакларнинг бутлигига, оила дастурхонининг мўллигига десак хато қилган бўламиз. Ҳар куни тушдан кейин ўғли ва набираларининг дўконга келишидан Абдушариф мискар қанчалар қувонади. Ахир унинг бобо касби ўлмапти. Уғлидан энди олти набирасига ўтаяпти. Демак унинг дўконигадаги ўт ўчмайди, сандон ҳамиша болга зарбидан жараглаб туради. Бу касбини ўзлариники қилиб олаётган болалар эса эртанги кунларига иккиланиш ёки ҳадик билан қарамайдилар. Чунки улар боболарининг дўконига қадам босган кундан бошлаб ҳаётда яшай бошладилар. Улар «унинчини тугатиб олай, бир гап бўлар» дейдиган омонат болалардан эмас.

Ҳа, биз оилада бир кун бўлдик, аммо шу бир кунда унинг катта-кичик аъзосининг ёрқин эртасини кўрдик. Зотан бугунги кун ҳар бир оиладан шундай бир яшаш тарзини кутаяпти.

Э. МАЛИКОВ



Мактаб синфидан ишчилар синфига ўтишда касб танлаш бўйича сўхбатлар ўқувчиларга тақдир йўлини белгилашда бебаҳо ёрдам беради.

СЕРГЕЛИДАГИ 3-МАКТАБДА

Ўқувчилар ҳаётдан фотоҳикоя тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги 3-ўрта мактабга қадам қўйганимизда муаллимлар бизга энг аввал Афғонистонда ҳалок бўлган байналминал жангчининг сурати сляв аълочилигига эмас, моҳир спортчи ҳам бўлган экан. Қўл тўпи бўйича тақдир тақозоси билан Афғонистонга ўқишга кирибди. Армия ёшига етгач, ўқишга ҳалок бўлган бу йигитнинг қон теккан ҳарбий ҳужжати билан бирга бир хати мактаб тарихи кабинетига фахр билан сақланар экан.


Иўқ, бу унинг фронтдан жўнатган хати эмас, ўқувчилик пайтида уруш ветеранлари билан учрашувда сўзлаган нутқининг тексти эди. «Азиз отаглар! Сизларнинг шарофатингиз билан биз ҳаёт аталмиш бу улуг неъматни, яшаш ҳуқуқини қўлга киритдик!»

Мактаб тарихи кабинетига Афғонистонда ҳалок бўлган ўқувчининг ҳам сурати, ҳужжатлари эъзоз қилиб сақланади. Дарвоқе, нега республикамизнинг барча мактабларида мана шундай мактаб тарихи хоналари ташкил қилинмайди! Ахир бу ўқувчиларни тарбиялашда бебаҳо аҳамият касб этади-ку.

Бундай тарих хоналари мактаб шаънини улуғлаганлар ҳурмат доскасида, унга доғ туширган кимсалар бир бурчақда қора доскадан туриб ўқувчиларни тарбиялашга ҳисса қўшишлари мумкин-ку! Дарвоқе, илгари газеталарда, ўқув муассасаларида шундай қора доскалар мавжуд эди. Мажлисларда унча танқиддан чўчимайдиганлар қора доскадан чўчишарди.


...Бу мактабдаги яна бир ибратли иш — тасвирий санъат хонаси ташкил қилинганлигидир. Мактаб битирувчилари ҳар йили маблаг умримиз, оқтин ёшларимиз ўтадиган мактабимизни доимо ортиқиб бошганимиз, ўзларидан асдалик сифатлари қора доскадан чўчишарди. Келинлар, «Еш куч» муҳлислари бўлган ўқувчилар, ўн йиллик радиан даргоҳга айлантирайлик. Ахир, ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришга, ҳатто мактаб фаолиятини ташкил қилишда актив иштирок этишга энди катта имкониятлар очилди-ку!

«Еш куч» шу сонидан эътиборан энг илгор мактаблар, улардаги ибратли ишлар ҳақида ҳикоялар бериб боришни режалаштирди. Агар сиз олиб борилаётган ибратли ишлар ҳақида бизга ёзиб юборинг. Биз мавриди билан уларни ёритишга ваъда берамиз.



Байналминал жангчининг ўқ тешиб ўтган ҳарбий билети мактабда сақланмоқда.

Афғонистонда ҳалок бўлган мактабдошлари хотирасини ўқувчилар доимо ёдда сақлашади.



Шоҳиде Нурмухамедова ва Даврон Алмаджоновлар мактабининг аълоши ўқувчиларидан сазналарда.



Таскиркий сазват намуналаридиқ талларасиқ деб беъиза номиниқарачиқ.



Чемпион бумиш шартмас. Сортанқда согфолм ақд.



«Третьяков» кичиқ



Оқанча ўқувчиқисқ Тожихон Рустамова дарсдан сўниқ ўқувчиқларга аманлик машқулот ўтиқар.



Мактабда номсоромлик компаниқин фоқилтиқидан бир пақка.

Р. АЛИБЕВОВ фотолар.



учун тайёргарлик ҳам кўриб юрибман. Мен барча мактуб йўллаган ўқувчилардан ўқитувчилар номига ҳар қандай сўзларни гапирмасдан келгуси ўқув йилига пухта тайёрланишларини сўрайман.

Собир ШАРИПОВ,
Кемерово область, Юрга шаҳри.

Меҳр-шафқат дарси

«Еш куч» «Зоопарк нега унутилди» мақоласи билан ҳайвонларни ҳимояга олганлиги яхши бўлибди. Одамлар ўртасида ўзаро оқибат йўқолиб бораётганлигини уларнинг ҳайвонларга муносабатидан ҳам билса бўлади. Улар ҳайвонларни бесабаб урадилар, оч қўядилар.

...Онам билан Косон район марказига келган зоопаркка томошага бордим. Лекин у ердан кўнглимиз ёзилиб эмас, жуда хафа бўлиб қайтдик. Сабаби, ҳайвонлар қаровсиз, ориқ, баъзилари ўлар ҳолатда эди. Тушлик пайти бир хотин иккита пақирдаги сўлиган сабзини ҳайвонларга улаша бошлади. Биринчи қафасдаги эчки жониворлар... (Ўзимизнинг оддий жайдари эчки, икки-уч боласи билан) бирам безовта, бесабр, у ёқдан бу ёққа бориб бетоқат мағрашардики, асти қўйверасиз. Вояқиллар роса очиққан экан, қани энди тезроқ сабзини ейишса-ю, бу ғамгин дунёнинг кундалик ташвишларини бир зум унутиб ором олишса...

Хотин эса шошилмасди, ивирсиб, аста-секин эчкиларга иккитадан сабзи ташларди. Эчкичалар ҳам ўз улушларини олишгач, бесабр сабзиларни чайнай бошлади. Қани энди уларни кўйиб юборишса-ю, эркинликда яйлловда юришса... Иккита сабзига уларнинг қорни тўярмиди?! Ажабланирлиси шундаки, бўри, шер, йўлбарс, арслон, боринг-ки тустовуққача... сабзи истеъмол қилишди. Мен илгарилари йўлбарс, арслон, бўриллар сабзи ейишмаса керак, деб ўйлаган эдим. Надомаатлар бўлсинки оч қолишса улар ҳам сабзи ейишар экан!.. Мен аста «сабзи тарқатувчи»дан сўрадим: — Йўлбарс-у... тустовуқларга бошқа хил овқат йўқми? — У бошини чайқади ва менга ҳайратомуз қараб қўйди.

Ҳайвонот боғида арслон, йўлбарс, оқ айиқ, қўнғир айиқларни кўриб хўрлигим келди. Улар ўлғудай ориқ, ҳолдан тойган, ифлос эдилар. Уларнинг кўзларига боқсангиз — ғамгин ва тушкун. Бу ерда улар кўнига фақат икки маҳал иккитадан сабзи еб кун кечиришга маҳкум эканлар. Бир пайт маймун сабзи улашаётган хотинга семичка туфлаб юборди. Епирай-эй, кўлгим қистаб онамга қарадим. Онам ҳам мамнун бўлди маймуннинг ишига. Лекин маймунлар ўша зоопаркнинг раҳбарларига мана шундай туфласалар яхшироқ бўлар эди. Ахир улар бу ердаги ҳайвонларга заррача ачинишмайди-да! Ҳайвонлар бу ерда ўз ҳайвонлигини, йиртқичилигини аллақачон йўқотишган, мўмин-қобил, ҳатто қимирлаша дармонлари йўқ! Шундан буён зоопаркка бормайман. Борсам уларга ичим ачиб, умуман ухлай олмайман ва овқат ҳам емайман. Виз жониворларни жуда яхши кўраман. Кўплар ҳовлимизга кўзи очилмаган кучук, мушук боласи ташлаб кетадилар. Доимо ҳовлимизда иккита-учта ит, беш-олтита мушук болалари ўйнаб юради. Дугоналарим кулади. «Бунча жониворларни нима қиласизлар?» деб. Мен «Одамларнинг ўзи ташлаб кетади-да, нима қилайлик, ахир...» деб қўя қоламан. Ҳозир одамлар ҳайвонларга ҳам, ўзаро ҳам ўта бемехр бўлиб кетишяпти. Сабаби нимада экан?..

Феруза ҲАСАНОВА,
Қарши шаҳри,
кооператив техникумининг талабаси.

Айб ўзимизда...

Мен «Еш куч»да чиққан «Ҳақиқат излаб» мақоласини ўқидим. Бу мақолада ўқувчилар ўқитувчилар ҳақида ёмон фикрда бўлганлар. Бу, менимча нотўғри бўлса керак. Тўғри, пул билан ўқишга кирганлар ҳам кам эмас, лекин билим билан бемалол ўқишга кириш мумкин. Агарда ўқувчи яхши ўқиган бўлса, унга ҳар қандай қийинчилик ва тўсиқлар писанд эмас. Мен ҳам институтдан йиқилганман, аммо бунга ўз билимининг камлиги сабаб. Виз ўзимизга танқидий кўз билан қарашни ўрганишимиз керак. Мен ҳозир солдатлик бурчимни ўтаяпман ҳамда ўқишга кириш

Қишлоғимиз хароб...

Бўзда ёшларга умуман эътибор йўқ. Кўчалар асфальтланмаган, қишда лой тиззага кўтарилади. Нағижанда ўқишга қатнаш қийинлашиб, ўқувчилар ҳафталаб мактабга борма қўядилар. Айниқса биринчи-иккинчи синф ўқувчилари. Қишлоғимиз ташкил топганига йигирма йил бўлибди-ю, маданий соҳа мутлақо назардан четда қолиб кетган. Лоақал биронта клубимиз ҳам йўқ. Нима, биз-

ларнинг шаҳарликлардан қаеримиз кам? Ахир инсоф билан айтганда асосий ишларни қишлоқ ёшлари бажаради-ку, кинотеатрларда шаҳар ёшлари ялло қилиб юради. Виз қуллардай тонг саҳардан кечгача пахта даласида ишлаймиз. Ҳам ишлаб, ҳам ҳордиқ олсак қандай яхши эди... Визга ёрдам беринглар деб,

Авлиёқул МУРОДОВ,
Сурхондарё область, Қумкўрган район
Ўзбекистон совхози, 4-бўлим ишчиси.

Нажот сендан!

Ҳурматли «Еш куч»! Мен фақат ҳозирги даврининг, ёшларнинг ёлғиз суянчиги деб сизнинг журналингизни танладим, чунки мен ҳам ёшман! Икки фарзанднинг отасиман! Бу мактубни ёзиш қанчалик оғир бўлмасин, барибир ёзишим шарт. Чунки ёшликнинг энг ширин дамлари менга аччиқ туюлаёттир. Яқинда, баҳор ойлари Андижон район партия комитетининг биринчи секретарига мактуб йўллаб бор ҳақиқатни: фабрикада борган сари шароит ёмонлашиб кетаётганлиги, директоримиз бюрократлик, хонлик қилаётганлигини ёзгандик. Бахтни қарангки, йиғилишда яна директоримизнинг айблари йўқ бўлиб, ёзганлар охири қўвгунга учраш шароитида турибмиз. «Еш куч», ҳақиқат борми? Сизлардан илтимос, келинглари, бизнинг ёшларнинг ҳолини кўринглари. Лекин фақат сизлар ўзингиз келинглари. Бор ҳақиқатни келганларингиздан сўнг айтаман. Дардим кўп. Суҳбатлашаётганда фақат директорсиз суҳбатлашинглари. Мен балки сизлар келгунча ишдан ҳайдалиб кетишим мумкин. Илтимос, ўйнаб кулиб ишлаб юрадиган даврларимизни қайтариб беринглари. Фақат «Еш куч» текширсин!

Саидазим БОЛТАБОВЕВ,
Андижон область, Андижон район,
Найман посёлкаси,
технологик мослама яраш фабрикаси.

Менинг таклифим

Гарчанд мактабни битирган бўлсамда «Ўқувчининг меҳнати фақат ўқишми?» баҳсида («Еш куч», № 7, 1988) қатнашмоқчиман. Менимча, ўқувчининг меҳнати ўқув йили давомида фақат ўқиш бўлиши керак. Лекин шу пайтгача ўқувчилар кўплаб ишларни ҳам бажариб келдилар. Қайта қуриш туфайли ҳозир мактабларимизда ўқувчиларни дала ишларига жалб қилиш бирмунча камайди. Лекин ёз ойлари — каникул кунларида барча ўқувчилар далада. Ҳозир жуда кўп жойларда бригада пудрати жорий қилинган, шу жумладан, бизнинг совхозда ҳам. Ҳар бир оила ўзининг иш кучига қараб маълум гектар ерни олган ва оила аъзолари билан ишлайди. Ававаллари далада фақат катталар ишлаб, ўқувчилар бекор бўлган бўлса, энди улар ҳам қобилиятига яраша меҳнат қилаяпти. Бундай пайтда мактабларда «Ўқувчилар ишлаб-чиқариш бригадаси» ташкил қилишнинг ҳожати ҳам йўқ, чунки болалар ота-онасининг ёнида, яъни ўзларига ажратилган участкада ишлашади. Ўқувчилар ўзларининг меҳнатлари билан давлатга фойда келтирадиган ва ўзларининг жамиятга фойдаси тегаетганлигидан хурсанд бўлишади. Ўқувчилар мактабдан бўшаганларидан, то август ойининг ярмигача далада бўлишади. Лекин совхозимизда меҳнатда намуна кўрсатган ўқувчилар рағбатлантирилмайди. Мақолада таъкидланганидек, илгорлар рўйхатга олиниб, дам олиш учун саёҳатларга жўнатилса яхши бўлади.

Республика миқёсида ҳар бир областдан атиги олтидан энг илгор ўқувчилар олинса — бу кам. Шунинг учун шундай саёҳатларни ҳар бир область, қолаверса, ҳар бир район ташкил қилса бўлади-ку. Ахир, ўқувчилар меҳнати орқали уч ой давомида эҳ-ҳе, қанча соф фойда кўрилади. «Ҳамма нарса болалар учун» экан, ўқувчилар яхши ва самарали меҳнатдан кейин яхши дам олиши керак-да.

Назокат ЭРГАШЕВА,
Жиззах область, Мирзачўл район,
«Совет Россияси» совхози.

Рассом бўлишни орзу қилгандим

(Мажбуран билим юртига жўнатилган ўсмир иқрорномаси)

Мен СПТУда ўқийман. Ҳадемай ўқиш тугайди — «Трактор ҳайдовчиси» деган диплом оламан. Лекин бу касбга қизиқмайман.

Орзуларим пучга чиқди-йўқми, ўзим ҳам билмайман. Чунки мен ёшлигимдан рассомликка қизиқаман. Бу қизиқиш менга опамдан ўтган. Опам Театр-рассомлик институтига кирмоқчи эди, афсуски ота-онам унга рухсат беришмади. Мен эса кундан-кунга расм чизишга қизиқавердим. Чизган сувератларим «Ғунча», «Гулхан» журналларида босилди. Мактабимиз деворий газетасининг редакцияга аъзоси сифатида уни безашни менга ишониб топширишарди. Мактабдошим Қодир билан дарслардан сўнг қолиб кечгача деворий газета ёки фотомонтаж тайёрлашдан чарчамас эдик.

Янги 1985 йил арафасида тўсатдан шамоллаб, ётиб қолдим. Янги йил байрамидан сўнг мактабга борганимда синф раҳбаримиз Мўмина опа Аҳмедова ўқишга келмай кўйганимга қизиқмадилар ҳам, балки байрам фотомонтажи чиқмагани учун мендан ранжидилар. Уша кунни бир баҳона топиб мени койдилар ва иштаймани-йўқми, мени СПТУга жўнатилганини айтдилар.

Бу гапни эшитиб галати бўлиб кетдим. Уқишларим ёмон эмас, фақат математика ва геометриядан «3» ва «4» олар-

дим, холос. Шунга қарамай, янаам яхшироқ ўқишга ҳаракат қилдим. Кунлар исиб кетдию, синф раҳбаримизнинг менга кўнгли илмилади.

Баҳорда мактабимизга янги расм ўқитувчиси келди, дарров у билан танишдим, рассомликнинг янги-янги сирларини у кишидан ўргана бошладим.

Орада дала ишлари қизиқ кетди: пилани топшириб бўлганимизда ягана бошланди. Бир кунни охириги дарс соатида ўқитувчимиз яганага чиқишимиз кераклигини айтди. Портфелларни ўқитувчилар хонасида қолдирдик. Уйга бориб апил-тапил чой ичиб, кийимни алмаштириб айтилган бригада даласига етиб бордик.

Икки соатча ишлаганимизда — жуда чанқадик, лекин ичишга сув йўқ эди. Ташналикка чидаммай ариқдаги лойқа сувдан ичдик. Уша кунни тунда томоғим оғриб, иситмаладим — эртасига мактабга боролмадим. Бир ҳафта уйда доволандим. Шундан сўнг мактабга борсам мени яна тўрт болага қўшиб 33-билим юртига борувчилар рўйхатига ёзиб қўйишибди. Ахир ҳеч ким биздан розилик сўрамади-ку!

Рўйхатдан фамилиямизни чиқаришга уринишимиз зое кетди. Иштихонлар бошланди. Биринчи иштихон — она тилига биз ҳам тайёрланиб келгандик. Лекин

синф раҳбаримиз «Сенлар бари бир СПТУга кетасанлар» деб бизни иштихонга йўлатмадилар. Қанча уринмайлик, қолган 4 та иштихонга ҳам киритишмади. Директордан илтимос қилдик, бўлмади.

Синфимизда ўзлаштириши паст, 3-4 та ўқувчини муаллимлар, «Сенлар колхозчиликка ҳам ярамайсанлар» дейишарди, лекин улар 10-синфни битиришди, бизни эса билим юртига ҳайдашди.

Ўқув йили бошланганда уйимдагилар ҳам мени СПТУга боришга мажбур қилишди. Кўнмадим, араздадим, сўнг уйдан қариндошимизникига кетиб қолдим. Дадам бориб мени олиб келдилар. Синфдошимиз Абдуғофир ва Дилшод билан 100-группада ўқишни бошладик. (Мастери-миз Умарали Эргашев.) Ётоқхонада яшашимиз, ўзимни қафасга қамалгандек ҳис қиламан. Улганимнинг кундан ўқишга қатнайман.

Яна пахта терими бошланди. Бир ярим ой пахтада юриб томоқ оғриги касалимга оёқ оғриги — ревматизм қўшилди. Пахтадан сўнг ўқишга боролмадим. Биров келиб мендан хабар олмади. Уроқларим ҳам эсдан чиқариб юборишди. Эҳтимол, улар мени билим юртидан кетди деб ўйлашгандир. Чунки уларнинг кўпчилиги мажбуран ўқийдилар. (Шунга қа-

рамай негадир «ўз ихтиёрим билан ўқияман» дейдилар).

Ўқиш ҳам одағда тушгача бўлади, тушдан сўнг синфларда 8—10 ўқувчи қолади, холос.

Энди пахта теримига бормайман, касалман. Яқинда операцияга ётаман...

СПТУга кирмасам шундай бўлмасмиди?.. Бундан кейинги ҳаётимни ўйласам юрагим сиқилади, санчийди. Баъзан оғрим оғришга чидаммайман, лекин оғриятти деб ҳеч кимга айтмайман.

Шу аҳволга тушганимни баъзан синф раҳбаримиз, мактабимиз директоридан кўраман. Уларга кўчада дуч келсак салом бергим келмайди. Мактабимда 9—10-синфни битиришни, расм дарси ўқитувчимиз Абдусалом акадан яна сабоқлар олишни, сўнг насиб этса Театр-рассомлик институтига киришни кўрсайман, орзу қиламан... Бу ёқда эса уч йил ҳавога учгандек ўтди-кетди, ҳадемай трактор ҳайдовчиси деган гувоҳнома қўлимга тегади. Мен рассом бўлишни орзу қилгандим, ўқитувчиларим, ота-онам мени тракторчиликка ўқитишди, лекин мен тракторчилик қилмайман. У ҳолда ким бўламан, ким?!

Обид ШОКИРОВ,
Фаргона область, Кува район,
Охунбобоев колхозчи.

ОБИД НИМА ҚИЛСИН?

(ёки О. Шокиров ўзи мисолида кўпчиликка тааллуқли муаммони ўртага ташлагани ҳақида)

СУХБАТДАН АВВАЛ. «Еш куч»га келатган хатларни бефарқ ўқиш қийин. Улар турли савияда ёзилганига қарамай энг муҳими — самимийлиги билан киши диққатини жалб этади. Обид Шокировнинг мактуби аввало самимийлиги, қолаверса унда шу куннинг долзарб муаммоларига дахлдор мавзудан гап очилгани бонс эътиборга тушди. Хат журналда эълон қилиш учун тайёрланди. Шунда бир йўла ушбу хат баҳонасида журналхонлар гурунгини ташкил этиш гоёси тугилди ва суҳбат уюштириш мақсадида Ташкентдаги 12-ихтисослашган ҳунар-техника билим юртига йўл олдик.

55-группада она тили ўқитувчиси Карима Омонова энди дарс бошлай деб турган экан.

Муаллимдан, ўқувчилардан узр сўралгач, дарс... Обид Шокировнинг редакцияга йўллаган мактуби юзасидан суҳбатга айланди.

Хатни Абдурахим СУЛТОНҚУЛОВ ўқиб бергач муҳокамани ўзи бошлаб берди:

— Қувалик тенгдошимиз хати кишини ўйлатиб қўяди. Рассом бўлишни орзу қилган ўсмир тракторчиликка ўқибди, ўқишни битирибди. Энди нима бўлади?.. Менимча у ўзи истаган касбни танлаганида, ўқиб малякасини оширганида фойдалироқ эди. Катталар уни тушунишмаган.



Маҳмуд ҚАМЧИБЕКОВ — Обид ўзи хоҳламаган билим юртида уч йил ўқиганига ҳайронман. Истамаса ўқимаслиги керак эди. Масалан, мени Янгийўлдаги Озиқ-овқат техникумига қўярда-қўймай киритишган эди. У ерда олти ой ўқидим. Ошхоналарда ишлашга ҳушим йўқ, «ўқиб нима қилдим» дедим-да, техникумдан кетдим. Бўёқчиликка қизиқаман, шунинг учун бу ерга ўқишга кирдим.

Шукрулло ОМОНХУҶАЕВ — Уч-тўрт йил бурун Нейматилла ака деган бир уста уйимизни бўяб берган. Уста ёлғиз экан, мен унга ёрдамлаш-

дим. Икки ҳафтада ишлар битди, уста кетди, лекин мен бўёқчиликка қизиқиб қолдим. Қизиқ-да! Икки ҳафта илгариги уйимиз бирдан ўзгариб, яшанаб кетгандек эди. Уша-ўша бўёқчилик касбига қизиқдим. Саккизинчани битиргач, 31-билим юртига бордим. Уроқларим бу ерни мақташди, мана, шу ерга келиб ўқияман, ёмон эмас.



Карима ОМОНОВА — Демак, Обид Шокиров рассомликни орзу қилгану,

орзуси йўлида кураша олмаган. Мактабда ўзлаштириши дуруст экан. Учинчи синфни битириши, Театр-рассомлик институтига киришга уриниб кўриши мумкин эди. Бироқ, унда мустақиллик етишмайди. Мустақил бўлганида ўқитувчиси, ота-онаси розилигини олиш ҳеч гап эмасди. Ниятини уларга тушунтира оларди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Обид билим юртида ўқигани учун касал бўлмаган-ку. Ҳар бир киши қаерда ўқиши ё ишлашидан қатъи назар саломатлигини сақлаш чорасини кўриб юрмоғи керак.

Умид МАМАЖОНОВ — Мустақил бўлиш учун ўзи танлаган ҳунаридан ёшликдан хабардор бўлиши, унинг яхши-ёмон томонларини билиши, ҳунар ҳақида бировга гапириб бера олиши керак. Мен ўзим бўёқчиликни танладимми, бўлди, ниятимдан қайтмайман. Бувам Рихситилла Ҳусанов пенсияга чиқмасларидан илгари шу билим юртида директор эдилар. Амакиларим шу билим юртида ўқиб, бўёқчилик ҳунарини эгаллашган. Мен ҳам шу касбни танладим. Ким сўраса, бўёқчиликнинг яхши томонларини айтиб бера оламан. Мустақиллик шундан бошланса керак.

Абдурахим СУЛТОНҚУЛОВ — Ўзи орзу қилган рассомлик ҳақида етарли маълумоти бўлмагани учун Обид айбдор эмас. Ёзибди-ку, у рассомликка опаси туфайли қизиққан.



Расм дарси ўқитувчисидан кўп нарса ўрганиб улгурмаган. Агар мен аввалдан наққошлик тўғарагига қатнашмаганимда, тўғарак раҳбаримиз Илёс ака Валиевнинг кўп суҳбатларини эшитмаганимда бўёқчилик хунари ҳақида ҳозиргичалик маълумотим



бўлмасди. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Демак, Обид Шокиров ўқиган мактабда ёки у яшаётган жойда расм чизишга ишқибоз ўқувчилар қатнашадиган тўғарак йўқ экан-да?..



СУХБАТ АСНОСИДА. Кенг, ёруғ, қулай стол-стуларда ўтирган ўттиз чоғли ўсмирни бирма-бир кузатаман. Кечагина мактаб партасида ўтирган, хунар ўрганиш истагида бугун билим юртида сабоқ ола бошлаган ўспиринлар. Болалик ўйинқароқлигини унутмаган, лекин хунар ўрганиш орқали мустақил ҳаёт дарвозасини қоқайт-

ган йигитчалар. Обид Шокировнинг хати баҳона айтиётган фикр-мулоҳазалар ҳам уларнинг ўзига, маълумотига, дунёқарашига яраша.

Бўлгуси бўёқчиларни гапиртириш осон кечмапти — устма-уст саволлар, муаллима Карима Омонованинг далдаси билан азбаройи қармоқда балиқ тутгандек гап оляпмиз. Ҳечқиси йўқ, улар айтаётган гапда жон бор. Мана, Абдурахим рассомлик тўғараги ҳақида сўз очиб, умуман республикамиздаги таълим-тарбияга даҳдор жиддий муаммони ўртага ташлапти. Яъни, ёшлар орасидаги турли истеъдод эгаларини аниқлаш, шарвариш қилиш ва йўлга солиш системаси яратилганми? Фавқулдда истеъдод эгаси бўлмиш шоир ё ёзувчи, математик ё тарихчи ёшлар, ўзига хос бир катта қизиқиш билан хунарга — дурадгорлик, устачилик, ҳайдовчиликка ихлос қўйганларни; шахматга, футболга ва ҳоказо спорт турига лаёқатли ўғил-қизларни ардоқлаш, воёга етказиш кимнинг зиммасида?! Ўқитувчиларнинг бунга фурсатлари етмайди, камдан-кам ота-она фарзандининг ноёб лаёқатини пайқаб у билан жиддий шуғуллана олади. Тўғараклар жойларда бугунги кун талабида ташкил этилмаган. Хўш, у ҳолда халқимизнинг фахрига айланажак (қай соҳада бўлишидан қатъи назар) истеъдодларни ким излайди, кашф этади?




Худди шу маънода, қувалик укамиз Обид Шокировнинг шахсий армони баҳонасида республикамизга тааллуқли **КАТТА АРМОН** ҳақида баҳс, мунозара бошланса, барча мулоҳазалар «ЕШ КУЧ» журнали саҳифаси орқали омма муҳокамасига ташланса фойдалироқ бўлур эди.



Абдуҳаким ҒАФУРОВ — Ҳозир бўёқчилик хунарига қизиқаётган ёшлар кўп. Чунки бўёқчининг топиштиши чакки эмас. Мисол учун, уй-

мизни бўятиш учун ота-онам анчагина пул сарфлашганда ҳайрон бўлгандим. «Шу хунарни ўрганиб кўйиш қийинмас-ку» деб ўйлагандим. Қолаверса, хунар ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Ўзим бўёқчилик қиламанми-йўқми, ҳозир айтолмайман, билим юртини битиргач, Халқ хўжалиги институтида ўқийман.



Маҳмуд ҚАМЧИБЕКОВ — Абдуҳаким тўғри айтди — бўёқчилик хунарини эгаллашни орзу қилганлар бу касб-кордагилар кўпроқ пул топишни ҳам ҳисобга олганлар. Буни яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳалол меҳнат қилиб, меҳнатга яраша ҳақ олиш уят эмас.

Шукрулло ОМОНХУЖАЕВ — У, Маҳмуд, училишига келмасингдан пулни ўйлаясанми? Аввал хунарни эплаб ўрганиб олайлик.

Карима ОМОНОВА — Маҳмуднинг ҳам фикри шундай. «Хунардан унар» деганларидек, қўли гул хунардандларга талабгорлар кети узилмайди, улар қўлма-қўл юриб ҳурматга сазовор бўлишади. Обидга келсак, менимча, у уч йил ўқигани эвазига тракторчиликда тер тўкса қалай бўларкин?



Зафар РАЗЗОҚОВ — Тракторчилик қилиб турса балки шу касбга қизиқиб кетар, тўғрими?

Абдурауф ЮНУСОВ — Тўғри, Обид ҳали тракторчиликнинг яхши томонларини билмайди.

— Лукма: — Рассомлик қўлидан келса, тракторчилик қилиб туриб ҳам расм чизиши мумкин.

ЖУРНАЛХОНЛАР ҲУКМИГА ҲАВОЛА



Умид **МАМАЖОНОВ** (лукма ташловчиги қараб) — Тўппа-тўғри, Обид тушқунликка тушмай, рассомлик қилаверса ютқазмайди. Ўзидаги иштиёққа, истеъдодга ишонса келгусида таниқли рассом бўлиб кетиши ҳеч гап эмас.

Абдурауф ЮНУСОВ — Катта рассом бўлганида тракторчиликка ўқигани қўл келиши мумкин.

Мухбир — Абдурауф, охири марта қайси фильмин томоша қилдинг?

Абдурауф ЮНУСОВ — «Кинг Конг» ни.

Мухбир — Шу фильмининг бош ғояси нима? Ким айтади?

Кўпчилик (жўр овозда) — Одамларга меҳр-шафқат, ачиниш, ҳамдардлик кўрсатилган. Чин дилдан севиш, қайғуришни йиртқич маймун одамларга ўргатади...

СУХБАТДАН СЎНГ. Билим юртидан пиёда қайтдик. Аяча йўлгача жим келдик. Ниҳоят, ҳамроҳим — фотомуҳбиримиз Анатолий Кудряшов савол қотди:

— Суҳбат қизимади-а, нима дейсан?

— Уртача, шунисига ҳам шукур...

Яна сўзсиз кетавердик. Нега ундай жавоб қилганимни кейин ўйладим. Суҳбатдан «қоникмадим» десам кичкина бир хат баҳонасида, мана, ўттиз нафар бўлажак бўёқчи билан танишдик, гурунглашдик. Озми-кўпми «гапиртирдик» уларни. «Қоникдим» десам, суҳбатда Обид Шокировнинг ҳати шарофати билан янги-янги муаммолардан сўз очилдию, лекин улар етарли даражада юқори савида чуқурлаштирилмади, ҳозирги кунда хунардан кадр тайёрлаш, умуман хунар-техника билим юртларининг турмушимиздаги ўрни хусусида, уларнинг фаолиятини юксалтириш ҳақида ўта зарур фикрлар айтилмади.

Демак, мавзуга хулоса ясаш ниятимиз йўқ. Аксинча, ушбу хат ва хат асосидаги бу суҳбат янаги йил давом этажак катта ва қизгин фикр алмашишларга бир дебоча, холос. Хўш, сиз Обид Шокировга қандай маслаҳат берасиз? Унинг баҳонасида ёшлар тарбияси, уларни меҳнатга муҳаббат руҳида воёга етказишга доир қандай дил сўзларингиз бор? Мактаб ва хунар-техника билим юртлари муносабати, уларнинг алоқадорлиги хусусида қандай теша тегмаган таклифлар айта оласиз?

Хуллас, сўз Сизга, муҳтарам журналхонлар!

Х. НАБИЕВ,
«Еш куч» муҳбири.

май, олий ўқув юрти даргоҳидан четлаштиравериш керак. Жамиятимиз тургунлик даври дипломли саводсизларнинг кўплаб етиштирилгани билан ҳам характерланади. Бундайлар халқ хўжалигининг, фан, маданият, санъатнинг деярли ҳамма соҳаларида урчиб кетишган. Ўзи билим ўқитувчилар, дейсизми, шеър нималигини билмайдиган шоирлар, дейсизми, касаллик нималигидан бевасовод врачлар, дейсизми...

Эндиликда шундай номақбулчиликларнинг олдини олиш учун аттестация ўтказиляпти. Гоҳо ташвиш билан ўйлайман: бу нарса ҳалоллик билан ўтказиляптимикин? Аттестация ўтказувчиларнинг ўзлари аттестацияга муҳтожмасмикин? Аттестация — қоғозбозликнинг, расмиятчиликнинг янги бир туримасмикин? Энг яхши аттестация — одамнинг сўзи эмас, унинг қиладиган ишику! Қачонгача биз сўзбозлик қиламиз?

Мен ўзим ўқиган олий ўқув юртининг ҳаётидан оз бўлса-да хабардорман. Бизга беш йил дарс берган ўқитувчиларимиздан бирини фақатгина мен эмас, қирқ студенти бўлган бутун курс ҳалол, камтар ўқитувчи сифатида билардик. Жуда хурмат қилардик. Биз учун мўтабар ана шу ўқитувчимиз, эшитсак, билимсизликда, талантлар йўлини бўғишда айбланибди. Ажабо, қачонгача яхшига кун йўқ, деймиз?!


Олий ўқув юртларида ҳалоллик бош мезон бўлиши учун ҳар ким аввало ўзи нимага арзигулигини билиши, гуруҳбозлик, тирноқ тагидан кир изловчилар, ҳалоллик томон тош отувчилар, ишга эмас, сўзга бино қўювчилар, минбарпарастлар, порахўрлар, ошна-оғайнигарчиликка ружу қўювчилар, сўзи бошқа, ўзи бошқаларга эшиклар берк бўлиши керак. Бу — фақат орзу бўлиб қоладими, деб қўрқаман.

4. Бундай тўсиқларнинг қай бирини айтай. Ҳалолликнинг бош мезонларидан бири — эътиқод. Ўзбекистон телевидениеси худди шу номда ёшлар учун яхшигина кўрсатув намойиш этипти. Лекин кўрсатув ижодкорларининг айтишича, «эътиқод» сўзи кўпгина тингловчиларга тушунарли бўлибди. Улар кўрсатув номини ўзгартиришни сўрашибди. «Алгоритм» десангиз, тушунаркан улар. «Рок-музика» десангиз, тушунаркан улар. «Брейк» десангиз, тушунаркан улар. Лекин соф ўзбек сўзи — «эътиқод»га тушунишмас экан. Бундай ҳолдан «юдари» демай иложингиз йўқ.

Ҳалоллик муқим бўлиши, у жамиятнинг бош мезонига айланиши учун нопокликнинг урчиш ҳолатига жамиятда мутлақо шароит бўлмаслиги керак. Кўкрагида партия билети, тагида давлат машинаси бўлсин-у, кўнглида бойлик, амал, шуҳрат вазвасаси бўлсин — бундай одам раҳбарлик қиладиган ташкилотда, корхонада, министрликда, юртда ҳалоллик ўтмишдан эртақларга айланиб қолиши ҳеч гап эмас, бунга ўзимиз шохидимиз. Миқёси, аҳамияти жиҳатидан инқилобга тенг бўлган қайта қуриш аввало қаллларни ўз ёруғ нурларига йўгириши керак. Ҳалоллик она сути билан, унинг алласи-ю эртақлари билан, ота ўғитлари-ю шахсий ибратлари билан, боғча опанинг ширин сўзи-ю покиза намунаси билан, ўқитувчининг чуқур билими-ю, талабчанлиги билан, врачнинг чўнтагингизга эмас, дардингизга қарашлари билан, судьяларнинг «адолат» деган муқаддас қонунни маҳкам ушлашлари билан одам қонига кириши лозим. Қайта қуриш — ахлоқ кодексининг бевосита амалга оширилишидир. Биз «социализм» ё «коммунизм» сўзларини катта-катта ҳарфлар билан шиор қилиб ёзиб қўйишимиздан наф йўқ. Менга қолса, бўлар-бўлмас шиорлар илинавермасин, дердим. Меъдага теккан мажлисбозликлар, қарорбозликлар йўқ бўлсин, дердим. Таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчиликлар, зимдан ўзига мақтов уюштиришлар, пашшадан фил ясаб, йўқни бор қилишлар бас энди, дердим. Одамнинг кимлигини унинг ишга муносабатидан бошқа ҳеч нарса муфассал айтиб беролмайди. Сўзбозлар, маддоҳлар эмас, иш жонқуярлари ишбошида бўлган жойда, уларнинг атрофида ўзларидай ҳалол-покизалар ҳаммаслақ бўлган жойдагина ҳалоллик бўлади. Бу эса осон эмас. Бирон-бир халтурачига, сен ёмон ишляпсан, денг-чи. Бирон дангасанинг дангасалигини юзига айтинг-чи. Бирон-бир товламачи — порахўрга, ишдан бўшаш учун ариза ёзинг, деб кўринг-чи. Улар шундай қилишадик, шундайлар билан бир ҳаюдан нафас олаётганингизга афсусланиб кетасиз.

Бизда давлат ишга муносабат, меҳнатга муносабат ачинарли аҳволда. Тан оламизми — йўқми, жуда-жуда ачинарли аҳволда. Атрофимга қараб, кўпинча ҳалол, меҳнатқаш одамлар эмас, аравани қуруқ олиб қочувчилар иззатдалигига афсусланаман. Бахтимизга қайта қуриш бошлади. Ҳозир тўфонлар, суронлар ичрамиз. Олдинда эса — нурли соҳил. Мен учун орзу бўлган соҳил.

Баҳсни ёзувчи Эмин УСМОНОВ давом эттиради.



СИЗНИ КЎРЯПМАН, ДОКТОР!

Бу сўзларни ким айтяпти, кимга айтяпти? Ҳа тўғри, муваффақиятли операциядан кейин беморнинг кўз врачига айтган ҳаяжонли юрак сўзлари бу. «Кўряпман». Олам гўзаллигини, бахтиёр чеҳраларни кўриш...

Беморларга қайтадан ёруғ дунёни совға қилаётган бу йигит Абдусамад Аҳроровдир. У эндигина 38 ёшда. Бу кунгача 250 га яқин турли кўз касалликларини микрохирургик операция ёрдамида муваффақиятли даволади.

Мен бу ёш шифокор таърифини эшитиб Тошкент медицина институти II клиникасига йўл олдим.

— Абдусамад Аҳрорович, қисқача биографиянгни гапириб берсангиз...

— Нима ҳам дердим, — деди камтарлик билан шифокор. — Тошкентда туғилганман, 6 ёшимда мактабга бордим. 1968 йили Тошкент Медицина институтига педиатрия бўлимига ўқишга кирдим. Кейин ҳарбий хизмат... Хизмат даврида бир дўстимнинг кўз врачидан шифо топганини кўрдиму менда соҳамни янада нозиклаштиришга — офтальмолог бўлишга иштиёқ уйғонди. Ҳарбий хизматдан қайтиб кўз касалликлари клиникасида ишлай бошладим.

— Уша пайтдан бери операция қиласизми?

— Йўқ, кўз операцияси ҳазил гапми. Яна микроскопдая! Оламга машҳур микрохирург — СССР Фанлар академиясининг академиги, профессор Святослав Николаевич Федоровдан таълим олиш умидида Москвага бордим. У киши мени очик чеҳра, оталарча ҳарорат билан қабул қилдилар. Шу кундан бошлаб тўрт йил устоздан сабоқ олдим. Ўтган даврда 10 000

дан ортиқ операцияда менинг ҳам ҳиссам бор. Ниҳоят, устозим Святослав Николаевич раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини ёқладим. Мана, бир йилга яқинки, ТошМИ клиникасида ассистент бўлиб ишляпман.

— Микрохирургия қандай касалликларни даволайди?

— Ҳамма турини: катарактада, яъни кўз гавҳари хиралашганда (парда тушганда) сунъий гавҳар ўрнатилади. Назла, шапкўрлик, гилайлик каби хасталикларни даволайди.

— Нозик операцияга нозик ассоблар керакдир?

— Ҳа, албатта, бу ҳақда ҳам устозим бениҳоя катта ғамхўрлик кўрсатганлар. Сизга маълумки, академик Федоров кўз микрохирургияси тармоқлараро илмий-техника комплексининг бош директоридир. Клиникамизни замонавий, энг янги аппаратлар билан бойитдилар.

— Абдусамад, сиз ҳар қалай ёш шифокорсиз, клиникадаги тажрибали врачлар қандай қарши олишди?

— Устоз шифокорларга ҳурматим чексиз. Улар ҳам мени катта умид билдириб сафларига олишди. Кафедра мударимиз — профессор Ҳамидова Муҳтарама Ҳамидовна, бўлим мудири Садриддин Исломович Исломов — ҳамманинг мақсади бир — ҳар бир бемор шу ердан шифо топсин.

— Шогирдларингиз ҳам борми?

— Икки ёш врач билан шу соҳада машғул олиб боряпман.

— Нозик ва хайрли ишингизда омадлар тилаймиз, Абдусамад Аҳрорович! Даволаш ишларида Сизнинг қўлингиз ва кўзингиз сира толиқиш сезмасин!

М. ОДИЛОВ.



ДАФНА НОВДАСИНИНГ СЕҲРИ

Утган йили Ўзбекистон Рассомлар союзининг кўргазмалар залида рас- сом Вениамин Ким асарлари намоиш қилинди. Бу кўргазма туфайли унинг асарлари кўпчилик назарига тушди.

Вениамин республикада хизмат кўрсатган санъат устаси Николай Шиндан рассомлик сирларини ўрганган.

Табийки, Вениамин Ким бирданига етук рассом бўлиб қолгани йўқ. У яратган дастлабки полотноларда плакатга хос шартлиликлар сезилиб турарди. Тинимсиз машқ ва изланишлар натижасида ранг-тасвирнинг ўзига хос имкониятларини ўзлаштириб борди. Рассом яратган асарлар тематикаси ҳам кенгайиб боряпти.

Вениамин ўз халқининг урф-одатини, жафокаш тарихини яхши билган ижодкордир. У ўз асарларида бутун инсониятнинг эзгу орзуси бўлмиш тинчлик ва фаровонликни куйлайди. Рассом асарларида рамзийлик ва аллегорик услуб сезилиб турса-да, асосий эътибор инсон образига қаратилган. Қадимги буюк санъаткорлар айнан инсон образини ҳеч қандай бўяб кўрсатмай кўплаб ҳаётини мавзуларни очиб берадилар. Бундай маҳорат эгаларидан Микеланжело ва Джотто, Рафаэль ва Гойя, Делакруа ва Врубель яратган образлар чуқур мазмундорлиги билан инсоният қалбидан жой олган.

Вениамин Ким бу буюк санъаткорлар ижодидаги улкан ғояларни пухта ўрганди.

«Халоскор совет жангчиси» полотноси 1945 йили Квантун қўшинини таслим этган Совет Армиясига бағишланган. (Муқованинг 3-бетига қаранг.)

«Урим-ийимнинг олтин даври» асарида корейс халқининг Ўзбекистондаги ҳаёти, эркин меҳнати акс эттирилган. «Отам портрети» ҳам ўзининг мазмундорлиги билан томошабинда чуқур таассурот қолдиради.



Жўшқинлик


Оналик ва болаликни, борлиқни, гўзалликни, инсон яратган фаровонликни ядро хавфидан асрашга бағишлаб рассом «Дафна новдаси»ни яратди. Бунда дарахт новдаси эзгулик, ҳаёт тимсоли сифатида ёвузликка, қирғинбарот урушга қарши тургандек бўлади.

Вениамин Ким ҳаёт гўзалликларидан завқланувчи, чуқур мулоҳазали, миллий хусусиятларга бой асарлар яратувчи нозик таъб мўйқалам соҳиби-дир.

Рафаил ТОҚТОШ,
санъатшунослик доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.



Кураш



Илҳом

Боши 16-бетда
У Исфахонда обсерватория қурилишига раҳбарлик қилади, ўзи кузатиш ишлари олиб боради. Ибн Сино шогирди Журжоний билан бирга обсерватория учун зарур бўлган илмий асбоблар ясайди. У 1037 йили Исфахонда вафот этган.

1980 йили Ибн Сионинг 1000 йиллик юбилейига жуда кўп мамлакатлардан олимлар келди. Германия Демократия республикасининг вакили Б. Брентъес сўзга чиқиб шундай деди: «...Буюк олимнинг юртидаги бу

катта тантанага тайёргарлик сифатида биз Галле-Витенбургда-Мартин Лютер номли университетда «Абу Али ибн Сино — Авицина» темасида ишчи йиғилиши ўтказдик, бу йиғилишда Ўзбекистон ва Тожикистон ССР Фанлари академияларидан борган ўртоқларни хурсандчилик билан табриклаш шарафига муяссар бўлдик. Бу йиғилиш қарорларининг икки томи ва ГДР гражданини Бухоронинг буюк ўғлонининг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан таништирувчи таржиман ҳоли босмадан чиқди».

Б. Брентъес сўзини бундай тугатди: «Биз бу конгресс ташкилотчиларига, унда қатнашаётган академиялар, олий ўқув юртлири ва уларнинг олимларига, совет давлати, партия ва СССР халқларига Бухорода Абу Али Ибн Сино деб, Европада эса Авицина деб улуғладиган кишининг илмий меросини татқиқ этиш ва ўрганишдаги катта ишлари учун раҳматлар айтмиз».

Буюк Британия вакили Э. Ж. Шеллард шундай деди: «...Авицинани Буюк Британияда

доим шарафлашади ва ҳар куни минглаб фармакологларга унинг медицина фанига қўшган ҳиссаси эслатиб турилади, чунки Буюк Британия Фармацевтика жамиятининг асосчилари 1842 йили жамиятнинг гербига Авицинанинг тасвирини туширишга қарор қилганлар. Бу симпозиум кўрсатиб турибдики, Авицина қизиққан соҳа фақат медицинадан иборат бўлмаган, балки унинг бошқа соҳалардаги хизматлари ҳам кўп бўлиб, улар Ғарб ва Шарқнинг маданий ҳаётида чуқур из қолдирган».

СОДИҚОВ КИМ БЎЛГАН? УСМОНОВЧИ?



Бухоро областининг Ғиждувон шаҳрида «Қидирув» клуби бор. Унга ўлкашунос ва географ Эркин Латипов бошчилиги қилмоқда. Утган йиллар давомида клуб аъзолари революция, жанг-жадал йилларида ёш советлар ҳокимиятини мустақамлашда, Улуғ Ватан уруши йилларида жон фидо қилган кишиларнинг номларини тиклашда катта ишлар қилишди. Албатта бу йўлдаги изланишлар осонликча кечмайди, архивлардаги ҳужжатларни зийраклик билан ўрганиш, билган, кўрган одамлардан сўраб-суриштириш, қабрларини аниқлаш, эҳе, бу қанчадан-қанча хатлар ёзиш, сафарларда бўлишни талаб қилади. Ҳа, чиндан ҳам сабр-тоқатли иш. Қуйида ана шундай савобли ишларга бел боғлаган клуб ишлари билан танишасиз.

Марказий «Правда» газетасида «1941 йилга қайтиш» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда Ғиждувондаги «Қидирув» клуби аъзолари 104 ёшли Дарья Алексеевна Кульчаковскаяга набираси Фёдорни топишда ёрдам берганликлари ёзилади. Маълум бўлишича Фёдорни тошкентлик Шоаҳмад Шомухамедовлар оиласи ўғил қилиб олган, унинг номи Йўлдош Шомухамедов бўлиб кетган экан.

Бу қисқа маълумот мазмунида қанча-қанча изланишлар ётганини ўқувчимиз сезиб турибди. Аммо газетадаги бу мақола клубнинг номини машҳур қилиб юборди. Улуғ Ватан уруши йилларида Дарья Алексеевнага ўхшаб ўз жигарбандларидан жудо бўлган кишилар клубдан ёрдам сўраб мактублар йўллаб бошладди. Ҳа, клуб ишлари янаям қизиқ кетди.

Нарзулла Азизов отасини эслолмайди. Қандоқ эсласин, қачонки отасидан «қора хат» келганда у бор-йўғи бир ойлик чақалоқ бўлса. Аммо ана шу икки энлик хат у учун ҳамон бамисоли тафтибостидек, сақланиб келади. Бир инсон дунёга келди, Ватан йўлида ҳалок бўлди. Шу билан бўлдимиз? «Қора хат» Ленинград фронтдан келган эди. Ўқувчилар шу ёққа Нарзулла Азизовнинг отаси Рауф Азизовни сўраб-суриштириб хат йўллашди. Бунга қарангки Ленинграддаги 13-СПТУда ҳам худди Ғиждувондагидек «Қидирув» клуби ишлаётган экан. Улар хат бўйича қидирувни бошлаб юборганликларини маълум қилишди. Кўп ўтмай жавоб хати ҳам келиб қолди. Ленинградлик қизил изтопарлар архив ҳужжатларига асосланиб ёзишарди: ...«153-полкнинг қизилармиячи ўқчиси Рауф Азизов 80-ўқчи дивизияси командирининг буйруғи билан 1944 йили 21 апрелда III даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланган».

Минг афсуски ордени олишга Рауф улгурмаган. Қаҳрамонларча жон фидо қилган.

Яна бир тақдир. Туроб Содиқов Қизилтепа районидаги Ғамхўр қишлоғида коллективлаштириш даврининг иштирокчиларидан бўлган. Колхоз тузилгач қишлоқ магазинида ишлаб бошлади. У ҳалол одам эди. Кўпни ўйларди. Аммо шундай кунлар келдики, ундан ноқонуний нарсаларни талаб қила бошлашди. Бунда халқ номини туя қилишдек нопоклик бор эди. Туроб ўзича бундайларга қарши курашмоқчи, уларнинг асл башарасини очмоқчи бўлди, аммо иш у ўйлаганча бўлмади. Фириб беришди. Амалдорлар уни халқ душманига чиқариб қамаб юборишди. Ҳа, бу урушдан олдинги йиллар эди. Унинг хотини халқ душманининг беваеси бўлиб икки боласи билан қолаверди. Оҳ, у вақтларда халқ душманининг оила аъзоларини, бола-чақаларини, қариндош-уруғларига қанчалик қийин бўлган эдия. Ҳатто улар билан биров гаплашишга қўрқарди. Ҳол-аҳвол сўраш у ёқда турсин, бундайларга яқинлашганлар ҳам қамалаверарди. Шундай қилиб Туроб Со-

диқов қамоқда ётганда уруш бошланиб қолади. У турма бошлиғига ўзини урушга жўнатишларини сўраб хат устига хат ёзади. Мен халқ душмани эмасман, мен ўз халқимни душмандан ҳимоя қилишим керак, менинг ўрним бу ерда эмас, деб ёзарди у. Ниҳоят уни интизом батальонига аскарликка олишади. У Харьков йўлида душманга қарши жангга киради. Унинг кўпгина дўстлари ҳали яхши тайёрловдан ўтмаган, ҳатто яхши қуролланмаган эдилар ҳам. Жанг жонни тикиш ҳисобига борарди. Ҳатто ярадорлар ҳам майдонни ташлаб чиқишни исташмасди. Бироқ тенгсиз курашда қисм қуршовга тушиб қолди. Қизиқ, бу маълумотлар қаердан дерсиз? Шошманг...

Қидирув клубининг аъзолари Содиқовдан ташқари разведкачи, икки марта Шуҳрат ордени нишондори Турди Шариповни ҳам излашаётган эди. Сизга маълумки ҳар йили полкдош, дивизиядош собиқ жангчилар у ёки бу шаҳарда учрашиб турадилар. 13-армиянинг Богдан Хмельницкий ордени 74-Қизилбайроқли гвардиячи ўқчилар дивизиясининг ветеран жангчилари учрашув уюштиришди. Қизил изтопарлар улардан Турди Шариповни сўраб-суриштиришди. Маълумотларга қараганда у ҳам шу дивизияда жанг қилган эди.

Қизиқ тасодифлар бўлади! Қаҳрамон сен билан ёнма-ён яшаб юрадию, сен уни излаб юрасан! Турди ака Ғиждувон районидаги «Пахтабод» колхозида истиқомат қилар экан. Учрашув хотираларини ёзиб олиш пайтида Турди

ака Туроб Содиқов ҳақида гап очиб қолди.

Турди ака Туроб Содиқов билан Харьков яқинидаги концентрацион лагерда учрашган экан. Кейин Киев яқинидаги Дарниц лагерига ҳам бирга бўлган. Тутқунлар ўзлари ҳақида бир-бирларига маълумот беришга қўрқишар, шу сабабдан ҳам танишувлар, савол-жавоблар юзаки бўлган. Шунинг учун ҳам Шариповнинг ёдида фақат фамилияларигина сақланиб қолган. Масалан: Комилов Тошкентдан, Жумаев Жарқўрғондан, Усмонов Чимкентдан.

Дарниц лагери жуда мустақам қурилган эди. У қатор-қатор чангал симли деворлар билан ўралган, девор бўйлаб муттасил овчарка итлар изғиб юрар, ҳар юз метрда пулемётли қўриқчи миноралари турарди. Аммо бари бир қочувчилар топилди. Эллик киши дўзах азобидан қутилиб кетди. Лагерь комендантлари асрларни саф қилиб ҳар олтиасидан биттасини оттирди. Шу йўл билан қочқинларнинг ўчини олди. Уч юздан зиёд киши ўққа учди.

Асрлар ишга ҳайдаб борилар, касаллик ва очликдан тинкаси қуриган тутқунлар Днепр дарёсига кўприк солиш учун ёғоч йўнишарди. Совуқ кундан-кун заптига оларди. Баъзиларнинг мурдаси шу ернинг ўзида қолиб кетарди.

Бир воқеадан кейин Туроб Содиқовни тутқунлар яхши эслаб қолишди. У бир асирнинг бекордан-бекор қатл этилишига норозилик билдирган эди. Ёвузлар Туробни калтаклаб, чалажон ҳолда баракка ташлаб кетишди.

— Қиш тугаб бораётганда,— дея ҳикоя қи-



лади Турди ака Шарипов,— мусулмон миллатидаги кишиларни териб ола бошлашди. Кўпинча сўраб-суриштириб ҳам ўтиришмасди, ранги, тусига қараб ажратиб олаверибди. Бизни алоҳида баракка тўплагач, қаршимизда домилла пайдо бўлди. У бизни Мухаммад пайғамбарнинг яшил байроғи остига уюшиб, ғайридинларга қарши немислар томонида туриб ғазоват урушига ташвиқот қила бошлади. Хўп деганлардан «Туркистон легиони» қўшини тузилишини айтди. Жаннатдек ҳаётлар ваъда қилди. Бироқ жуда кам одам домилланинг гапига учди. Қолганларни ўйлаб кўриш учун яна қамоққа тиқишди.

Шунда Абдулла Отахонов деган киши легионга қўшилиш кераклигини айтганда Содиқов билан Шарипов ҳайрон бўлишади. Абдулла эса тутқинликдан қутилиш ва партизан отрядларига қўшилиб кетишнинг бирдан-бир йўли шу, душманга бундоқ панд бериш ҳам керак, деб уқтиради. Шундай қилиб «туркистон легиони» ичида яширин ташкилот тузилади.

Ровно шаҳри яқинида ўқув машғулоти бошланади. Тўғри, фашистлар қуролларни уларга дарровда ишонилмади. Ишдан чиққан автомат ва милтиқлар билан машқ қилишарди. Абдулланинг кўрсатмалари билан яширин ташкилот аъзолари фашистларнинг ишончига киришга ҳаракат қилишди. Абдулла легион батальонининг командири бўлди. Шарипов старшиналикка кўтарилди. Содиқов эса рота бошлиғи Алимовнинг алоқачиси қилиб тайинланди.

Легионерлар аста-секин алоқачи Содиқов орқали шу ерлик яширин партизанлар отряди билан алоқа ўрнатдилар. Улар Ковпак бошлиқ партизанлар ҳаракатига қўшилмоқчи эдилар.

Легионерларнинг қачон, қай йўсин ковпакчиларга қўшилиб олишини Содиқов пишитиши керак эди. Бироқ салгина эҳтиётсизлик ишга панд бериб қўйди. Содиқов халқ қасоскорлари билан алоқага чиққанда ўз хавфсизлигини таъминлаш учун Алимовнинг тўппончасиниям қўйнига солиб оларди. Аммо шундай вазият бўлиб қоладик, у Алимовнинг тўппончасини ўқлари билан халқ қасоскорларига беришга мажбур бўлиб қолади. Урнига бошқасини топишига ишонади. Аммо бунинг ҳадеганда иложи бўлмайди. Ўзбошимчалиги учун Алимовдан эшитадиганини эшитади. Алимов бир ҳафта давомида тўппончасиз қуруқ ғилоф билан штабга кириб-чиқиб юради. Сирни сотқинлар сезиб қолишади. Алимов ва унинг алоқачиси Содиқов қўлга олинади.

— Бизни қатл майдонига тўплашди,— дейди Турди ота,— уриб, эзиб ташланган Содиқов билан Алимовни олиб келишди. Уларнинг устидан ўлим ҳукмини ўқишди. Биз ватандошларимизга қарай олмасдик, уларга ёрдам беришга қўлимиз қисқа эди. Шу пайт Туроб Содиқовнинг янғроқ овози бизни ҳушимизга келтирди:

— Биродарлар, биз бу дунёдан ҳалол ва пок кетяпмиз, Ватанимизга хоинлик қилганимиз йўқ. Омон қолсангиз ёр-биродарларга, бизникиларга айтинг, охириг умидгача жанг қилдик. Яшасин Ватан!

Немис офицерларидан бири уни ортиқ хитоб қилишга қўймади, олдин Содиқовни кейин Алимовни олиб ташлади. Мана шундай қилиб биз икки дўстимиздан ажрадик...

Ўтган йили Украинада Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди. Делегатлар қаторида ғиждувонлик кизилизтопарлар ҳам бор эди. Декадада Ўзбе-

кстон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Хайрулла Жўраев «Совет Иттифоқи гражданиман...» номли фильмни суратга ола бошлайди. Кинолента асосан Улуғ Ватан уруши йилларида Ватан учун жанг қилиб, асирликка тушиб қолган, аммо ўз эътиқоди, гражданлиги учун курашган, ҳар қандай шароитда ҳам Ватани, халқи учун жон фидо қилган кишиларга бағишланган эди. Худди шу кинога олиш вақтида клуб аъзолари ўша 74-ўқчи дивизиянинг ветеранлари билан учрашиб қолишди. Шу ерда Турди ота Шарипов ҳикоясининг тўлмаган жойларини тўлдирдилар.

Содиқов билан Алимовлар олиб ташлангандан кейин 1943 йил август ойида легионерларни Чернигов областига олиб келишади. Партизанлар билан алоқа қайта тикланади. Фронт чизиғи 24 километр наридан ўтарди. Легионерларнинг яширин ташкилот аъзолари Қизил Армияга қўшилиб олиш вақтини белгилайдилар.

12 сентябрь куни тунда легионерлар фашистлар томонидан қўйилган назоратчи ва инструкторларни гумдон қиладилар. Ботқоқлик орқали фронт чизиғига қараб йўл оладилар...

Давоми 27-бетда

ТУГАМАЙ-ДИГАН ДАРС

Тошкент шаҳридаги Георгий Дмитров номли мактабнинг ўқув йили бошидаги биринчи машғулоти ҳамма мактаблардагидек Тинчлик дарси билан бошланди. Аммо у ҳеч қачон эсдан чиқмайди деган бўлди. Нимага дейсизми? Шу кун мактабга Сизтл шаҳридан меҳмонлар ташриф буюришди. Сиз биласизки, бир неча йиллардан бери Тошкент шаҳри Американинг ана шу шаҳри билан биродарлашиб келади. Албатта, америкаликлар Тошкент мактабларида биринчи марта бўлишаётгани йўқ. Илгари ҳам бир неча бор мактаб ўқувчилари билан учрашганлар. Бу навбатдагиси.

Учрашув ҳар икки давлат вакиллари учун чинакам байрам бўлди. Улар СССР ва АҚШ ўртасидаги дўстлик, бир-бирини тушуниш, англаш тобора мустаҳкамланиб бораётганлигини ҳис этдилар. Бу ҳақда мактаб директори Н. Маъмутова гапирди. Кейин меҳмон Ауайят Вилсон сўз олди. У русчалаб анча яхши гапирар экан. «Мен,— деди у,— Совет Иттифоқи билан Америка ўртасидаги дўстлик ва бир-бирини тушуниш янада мустаҳкамланишини хоҳлайман. Мен Тошкентга келар эканман, Сизнинг Киров номли боғингизда қуриладиган Дўстлик боғига масъул этиб тайинланганман. Шундай қилиб Тинчлик боғини қурувчиларидан бири бўлганимдан фахрланаман. Бу ташаббусни сизлар албатта, қўллаб-қувватлашингизга ишонаман.

Меҳмон нутқи тинглангач, дарсларга кириш учун кўнғироқ чалинади. Дарсларга америкаликлар ҳам таклиф этилди. «Факель» интернационал дўстлик клубида учрашув бўлди. У жуда қизиқarli ва кўнғилли ўтди. Ахир клуб аъзолари Наргиза Мажидова билан Баҳринисо Умаровалар ярим йил муқаддам Сизтлда бўлишган эдида. Қизлар Америкадан олган таас-


суротларини, дўстлашган дугоналарини эслашди.

Америкалик меҳмон Жанет Сприн ўз таасуротларини шундай баён қилди: «Сизнинг мактабингизда ажойиб анъаналар бор экан. Мен уларни ўзим билан олиб кетаман ва Сизтлдаги мактаблар ҳаётига татбиқ этаман. Масалан, ўқув йилининг биринчи кўнғироғини икки миллат вакили — ўзбек қизи билан белорус қиз чалишди. Юқори синф ўқувчилари бу йил биринчи синфга келган укаларини синфларига олиб кириб қўйдилар. Мактаб мулкани ях-

шилаб асрашни уқтирдилар. Кичкиналар билдиларки, бундан бу ёғига улар ана шу катта опа ва акалари етовида бўладилар. Булар яхшида!»

АҚШ билан СССР халқлари ўртасидаги дўстлик доираси мана шундай учрашувлар, тинчлик боғлари қуриш, фикр алмашишлар эвазига тобора кенгайиб бормоқда. Ҳа, Тинчлик дарси тамом бўлмайдиган дарсдир.

Д. КАМОЛОВА



Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди.

КЕЧИР, ҚОРА КЎЗ!



даги бор латофатини, тиниқлигини дона-дона қилиб тингловчилар қалбига етказди. Шунинг учундир, у куйлаган қўшиқлар мазмун ва жозибаси билан халқ хурматига сазовор.

«Кетмоқдаман», «Қаро кўз», «Гуллардан сўра», «Севсанг мени». Муҳаббат кулдирган ҳам, куйдирган ҳам дилларга малҳам бўлган, неча-неча дил дафтларига муҳрланган қўшиқлар. Улар сизнинг ишқдан сарғайган олис йилларингиздаги алам-қувончларингиз билан бирга яшаган, бирга ўртанган. Қақроқ кўнглингизга эзгин сабо бўлиб эсган, нурдек ёриштираган. Кейин эса қалбингиздаги ранжу губорлар тарқалиб, умиду армонларингиздан орзу туғилган. Йилларким, юракдаги беҳаловат туғёнларга бу орзу билан таскин берасиз. Умрнинг тошқин долғали оқимларида ҳам, ҳижронзада саратон фаслларида ҳам ҳамдарду ҳамдаво бўлган қўшиққа миннатдорлик билдириш, у ҳақда нимадир ёзиш. Санъаткор билан учрашиш умидида уни зир югуриб қидирасиз, тополмайсиз. Студентлар билан пахта теримига кетган, ҳар куз уни пахта даласидан топасиз, дейишади. Охири учрашасиз, сиз билан жуда очиқ муомалада бўлади. Сўзларини сукут сақлаб узоқ тинглар экансиз, самимият балқиб турган кўзларида ўзбекларга хос соддаликни, камтарликни кўрасиз. Шунда туну кун осойишингизни олган туйғуларингиз тумандек тарқалиб кетади. Бир дардлиг қўшиқ у куйида олов янглиғ куйинганларингиз унутлади. Негадир шундай фарзанд ўстириб, тарбия берган отани кўргингиз, у ҳақда илиқ сўзлар эшитингиз келади. Қимтиниб савол берасиз. Углини қўшиққа иштиёқини эрта сезиб, уни тўғри тушунади. Уз ризқини қийиб ўғлига рубоб олиб беради, ўзи меҳнат қилади, фарзандини эртасини ўйлайди, ўқитади. Ҳар эрта тонгда ишга отланар экан, жимжит кўчаларда эзгу умидларини дилига мустажо айлаб, табиатдан фарзандига тани-соғлик, инсоф, дилига оқлик сўраган, пок ниятлар қилган. Ҳозир ота ўғлининг камолини кўраётганида тақдирга шукрлар айтасиз. Шунда ногоҳ юрагингизнинг азиз қатларида бедор ётган ғуссалар титрай бошлайди. Келажакнинг учун баб-баробар қайгуриб, мурудингизни кўролмайд эрта келган ажалга бошини эгиб кетган отангизни эслаб, ўкиниб кетасиз. Ҳожиакбарнинг отаси менинг отамдек ҳалол, санъатсевар экан, деб ўйлайсиз. Аммо у узоқ-узоқ яшасин, ниятларига етсин. Отамдек орзулари армон, қувончлари ҳасрат бўлмасин.

Табиат, ўлимлар эшигин беркит. Оталаримизни омон асра, хонадонимиз файзи, юрагимиз устунларидан мурувватингни аяма, қаторларидан хато қилма.

Тоғлар қатида жимирлаб жилғалар оқади. Ҳожиакбарнинг қўшиқларини ҳам жилғага қийс қиламан. Жилға ҳамisha бетақдор, сувлар тоза, маъсум. Унинг қўшиқлари ҳам шундай. Одамлар талпиниб, соғиниб яшайдилар. Аммо бу тиниқ жилғалар тоғлардаги қаттиқ тошлар остида ўз оқимини йўқотмасин. Дарёнинг шитобли тўлқинларига қўшилиб, ҳайқириб оқсин, мавжлари нурли бўлсин.

Қалам тутиб зиё тарқатган, чаноқ териб мадад кўрсатган, рубоб чертиб шодлик таратган азиз қўллар абад пок бўлсин. Эзгуликка чорловчи қалб кўнгироқлари тинмасин.



ЭСТРАДА МУХЛИСЛАРИГА

Мен Азизани «Юрмала — 88» конкурсига жўнаш арафасида учратдим. У жуда босиқ кўринар, жиддий имтиҳон олдидан ҳаяжонланаётгани ҳам сезилмасди. Гўё у бўлажак конкурсда ғалаба қозониши муқаррардек, сўнг голиб сифатида Польшага, Финляндияга ва нихоят Австрияга боришини аввалдан билгандек кўринарди.

Орадан икки ҳафта ўтдию, Азизанинг ўзига бўлган ишончи беҳуда эмаслиги аёнлашди-қўйди. Биринчидан, у конкурс лауреати бўлди, иккинчидан, энг маҳоратли қўшиқчи сифатида юқори баҳо олди ва «энг кўркам қўшиқчи қиз» сифатида махсус пардозлик буюмлари билан тақдирланди. Ҳа, ўзбек эстрада хонандаси нафақат ўзининг ташқи кўриниши, либосининг ғаройиблиги билан, балки истеъдоди ва ижрочилик маҳорати билан ҳам Юрмалани тонг қолдирди.

Азиза музикага ошна оилада туғилди, вояга етди: отаси Абдурахим Муҳамедов таниқли композитор, онаси Рафиқа Муҳамедова музика мактабида муаллима, опалари Гулнора ва Нигора эса пианиночи.

Азиза музика мактабини тугаллаганда уни «Садо» ансамблига таклиф этишди. 1981 йилнинг кузида илк омад кулиб боқди: «Садо» социалистик ҳамдўстлик қўшиқларини ижро этиш бўйича II Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати бўлди. Шундан сўнг пластинкалар чиқди, мамлакатимиз ва хорижий эллар бўйлаб гастролларга чиқилди.

Юрмалада Азизага шундай савол беришди:

— Сиз Ўзбекистон филармониясининг хонандаси сифатида чет элларда кўп бўласиз. Ешлар конкурсига иштирок этишингиздан мақсад нима?

— «Садо» ансамблини тарғиб этиш, қолаверса, мазкур конкурс яккахон хонанда сифатидаги ижодимнинг бошланиши бўлиб қолади.

ИККИ ЙЎЛ ОРАСИДА

Икки йил муқаддам эди чоғи, Азиза яккахон қўшиқчи сифатида ўз устида ишлай бошлади. Бундан хабар топганлар «Садо» тарқаб кетса керак» деган хаёлга ҳам бориб қолдилар. Мен шу ҳақда хонандамизнинг фикрини билмоқчи эдим.

— Ансамбль ижодий коллектив сифатида турли қийин даврларни бошидан кечириб туради. Уларни енгиб ўтиш жиддий изланишларни тақозо этади... Узимга келсак, ҳозир ўз устимда кўпроқ ишлаяпман. Ўтган йили консерваторияни тугалладим. Бўш фурсат кўпайгач, изланишга имконият ҳам туғилади. Янгича услубий изланишларни ёқтираман. Яккахон қўшиқчи учун ўзлигини намоён этиш имконияти кўп, ансамблда кўпроқ коллектив талабларидан келиб чиқмоқ лозим. Мен учун ҳар иккови бирдек.

Бироқ, шухрат қозонган эстрада хонандасининг ихтиёри ўзида бўлмайди, энди уни тутиш ҳам қийин. Мана, «Юрмала—88» конкурси тугаши билан лауреатлар биргаликда Польша сафарига йўл олдилар, сўнг — Ленинград, Волга бўйлаб сафар. Конкурс меҳмони — фин қўшиқчиси Кирка Азизани Финляндияга, Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети уни АҚШга таклиф этди. Орада Дрезденда ўтказиладиган музика фестивалида иштирок этиш учун таклифнома олинди...

Азиза Муҳамедова «Садо» ансамбли аъзоси сифатида қоладими ёки у яккахон хонанда бўладими? Назаримда, икки йўлнинг бирини хонанданинг ўзи, унинг истеъдоди, келажакки белгилаб беради.

А. ПОПОВ.

Наманган районидаги 26-ўрта хунар-техника билим юрти дирекцияси, бошлангич партия, комсомол ташкилотлари шунга ёзиб маълум қиладики, «Еш куч» журнаlining 1988 йил июнь сонидан босилиб чиққан «Устознинг меҳри ва қаҳри» танқидий мақоласи билим юрти педагогика Советининг 1988 йил 30 июнь навбатдан ташқари йиғилишида барча умумтаълим ва махсус фан ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ишчи хизматчилари ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди. Мақолада кўрсатилган барча танқидий фикр ва хулосалар тўла тасдиқланди.

Билим юртининг 77-группа ишлаб чиқариш таълими мастери Муҳаррам Тўйчиевага тарбиячи, ишлаб чиқариш таълими мастери бўла туриб ўз зиммасидаги масъулияти ва бурчини унутиб қўйгани, группа ўқувчи қизларини ахлоқ-одоб нормаларига тўғри келмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, ноҳақ кўполлик ва дилдорлик қилгани, группада таълим-тарбия ишларини сусайтириб юборгани учун қаттиқ виговор эълон қилинди.

77-группа ўқувчилари ва ота-оналари ўртасида таълим-тарбия ишларини ташкил этиш учун билим юртининг тажрибали, адабиёт ўқитувчиси Р. Юнусова ишлаб чиқариш таълими мастери Муҳаррам Тўйчиевага ахлоқ ва одоб, педагогик темаларда кенг тушунчалар бериб бориш бўйича группа раҳбари ва мураббий ўқитувчи этиб бирктилди.

Шунингдек, билим юрти дирекцияси, бошлангич партия, комсомол ташкилоти ва қизлар советининг иш фаолиятларини КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолю-

циялари асосида янада активлаштириш, беғамлик, бепарволикка қарши курашни кучайтириш, ҳар бир ўқувчининг дилини чуқур ўрганиш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

М. ТҒРАЕВ,
билим юрти директори



Ҳурматли редакция! Ешим бир жойга бориб қолган бўлса ҳам «Еш куч»ни қизиқиб ўқиб бораман. Чунки, касбим педагог бўлганлиги сабабли ёшлар ҳаёти, фаолияти, қизиқишини билишим зарур. Журналнинг 1988 йил июль 7-сонидан эълон қилинган «Менга яшашни ўргатинг» деган мақола менда катта таассурот қолдирди. Дарҳақиқат, мантиқ илмини ҳозирги ёшларгина эмас, ҳатто, биз, катталар ҳам билмаймиз. Чунки, турғунлик йиллари ошкоралик бўғиб қўйилди. Ўз фикрингни очиқ айтиш, музокара юритиш гўё ёшлар учун одобдан эмас, деб танбеҳ бериб туриларди. Шу боисдан бўлса керак биз сингари кўпчилик кишилар лоқайд, бефарқ, ишга, хунарга, нўноқ бўлган бўлишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам мен шунга ўхшаш мақолаларни қайта қуриш, ошкоралик шарофати сифатида қабул қиламан. Негаки, жамиятимизда, турмушимизда, ҳатто, ўз характер, ўй-фикримиздаги кўпгина салбий нуқсонлар мана шу мантиқ фанини билмаганлигимиз оқибатидир. Ҳамма жойда, ҳамма ишда, барча соҳаларда ҳам баҳс-мунозаранинг нақадар катта аҳамияти борлигини биламиз. Айниқса, ёшлар дунёқарашининг шаклланишида, касб-хунар эгаллашида бунинг моҳияти бениҳоядир. Барча газета-журналларда, эшиттириш ва кўрсатувларда мантиққа ўхшашган мунозарали материаллар кўпроқ ёритилса яхши бўларди.

Содиқ РОЗИҚОВ,
Қашқадарё область, Баҳористон район
халқ маорифи бўлимининг методисти.



М. МИРЗААҲМЕДОВ

МАТЕМАТИК КАСБ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

МАТЕМАТИКА ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАДИ?

Математикани қадимий ва навқирон фан, «фанлар шоҳи» деймиз. Икки ярим минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида у ривожланиб, тараққий этиб келяпти. Хўш, математика ривожининг манбалари нимада, у қандай қилиб, қайси йўллар орқали ривожланади?

Математика ривожланишининг иккита муҳим йўли ҳақида суҳбатлашамиз.

1. Маълумки, амалиёт (практика), кишилар фаолиятидаги турли муаммолар математика олдига масалалар қўяди, математика бу масалаларни ечиш йўлларини қидиради, натижада амалиёт қўйган масалалардан келиб чиқиб яратилган математик назариялар вужудга келади. Бу назариялар энди амалиётга татбиқ қилинади ва қўйилган масалалар ҳал этилади. Бу жараённинг иккита муҳим жиҳати бор: амалиёт қўйган масала ҳал этилди ва математиканиннг ўзи ҳам янги назария билан бойиди, ривожланди, тараққий этди, унинг татбиқий имкониятлари кенгайди.

Чизиққа берилган нуқтада уринма ўтказиш масаласи, маълум бир қонун билан ҳаракатланаётган жисмининг исталган вақтидаги тезлигини топиш, кимёвий реакцияларнинг кечиш тезлигини ҳисоблаш каби фан ва амалиёт қўяётган кўплаб масалалар математикларни ҳосила тушунчасига ва дифференциал ҳисобнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Узунликлар, юза ва ҳажмларни топиш маса-

ласи эса интеграл тушунчаси ва интеграл ҳисобнинг вужудга келишида асосий омил бўлди.

Кўрдингизми, математика амалиёт масалаларини ҳал этиш йўлида дифференциал ва интеграл ҳисобни яратиб, бойиди. Энди бу яратилган назария амалиётнинг минглаб бошқа масалаларини ҳал этиб берди, бинобарин, математиканиннг қўлланиш доираси янада кенгайди. Бу жараёнда ютуқ икки томондан бўляпти — амалиёт масаласи ҳал этиляпти ва фаннинг ўзи ҳам ривожланыпти.

Катта қурилишлар, йирик хўжаликлар билан боғлиқ масалалар ниҳоятда кўп ҳисоб-китоб ишларини талаб қилади. Буларнинг ҳаммасини ҳам аниқ бажара олмаймиз, кўп ҳолларда, маълум аниқлик билан тақрибий ҳисоблашларга тўғри келади. Бу масалалар, ўз навбатида, тақрибий ҳисоблаш методларининг пайдо бўлишига, ЭҲМларнинг яратилишига олиб келди.

Фан ва амалиётнинг, хусусан, техниканиннг ўзаро боғлиқлигини Ф. Энгельс қуйидагича ифодаляди: агар техника фаннинг ҳолатидан кўп даражада боғлиқ бўлса, фаннинг ўзи техника ҳолати ва эҳтиёжларидан ниҳоятда катта даражада боғлиқ бўлади. Агар жамиятда техникавий эҳтиёж пайдо бўлса, у ҳолда бу эҳтиёж фанни ўнларча университетга қараганда кўпроқ олға интиляди.

2. Математика ўз ички қонуниятлари бўйича

ҳам — турли тушунчалар, назарияларни умумлаштириш, мантиқий тугалланганликка эришиш, аввалги тушунчалар, назарияларга математика ривожининг ҳозирги замон ютуқлари нуқтаи-назаридан қараб, уларни таҳлил қилиш — ривожланади. Бу эса биз яшаётган оламни чуқур билишга олиб келади.

Фанимизнинг шундай соҳалари борки, улар математиканиннг ички ривожланиш қонуниятларидан келиб чиққан. Уларнинг амалиётга татбиқи бу соҳа яратилган вақтда эмас, кейинроқ топилган мисол тариқасида, группалар назариясини олиш мумкин. У аввал соф математик назария сифатида шаклланди. Аммо ҳозирги замон физикасининг кўпгина соҳаларини, кристаллография, квант группалар назариясини тасаввур этиб бўлмайди, ваҳоланки, 1910 йилдан Принстон университетининг олими, физик Джеймс Джинс «математиканиннг бу соҳаси ҳеч қачон физикага бирор фойда келтирмайди» деган эди. 1964 йилда эса группалар назарияси натижаларига асосланган ҳолда омега — минус заррача кашф этилди.

Математик логиканиннг ЭҲМлар, алоқа системаларининг математик назариясида кенг татбиқлари борлиги аниқланди.

Математиканиннг — ўз фаниннинг ривожланиши манбаларини билиш, бунга оид кўплаб мисоллар келтира олиш математик касбнинг энг керакли хусусиятларидан биридир.

«Чашма» зилоли

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида «Чашма» ижодий тўғараги ишлаб турибди. 50-йилларда устоз Шайхзода, кейинчалик Уткир Рашид бошқарган бу уюшма кўп вақт ижодкорларнинг етишиб чиқишига замин бўлган. Сўнгги йилларда Гаффор Хотамов, Нор Хайит, Хамид Норқулов, Абдусатид Кўчимов, Музаффар Аҳмедов, Хамроқул Асқар сингари қалам соҳиблари шу даргоҳдан парвоз этишди. Ҳозир тўғаракка шоир Мирза Кенжабоев мутасаддилик қилмоқда.

Қуйида сиз азиз журналхонлар, «Чашма» зилолидан баҳра оласиз деган умиддамиз.

Ҳомиджон ҲОМИДОВ,
филология фанлари кандидати, доцент.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ

Баҳор

Қоқизул момиқдан қалпоқ тўқийди,
Гоҳ-гоҳи савалаб қолар жалалар.
Бижилдоқ тўрғайлар сабоқ ўқийди,
Қўнғироқлар чалиб қўяр лолалар.
Атлас учиб чиқди сандиқ тубидан,
Танчаларда қолди қишқи эртақлар.
Чопиб келаётган Қуёш тафтидан
Пушти кўпиради қўнғир куртақлар.

Уйғониб деҳқонни сўради дала,
Қалдирғоч — лой, Чумчуқ — хас ташиб
қолди.
Тоғнинг энг боодоб қизи — Булоқ ҳам
Кўзига ям-яшил сурма тортволди...

* * *

Эркалаб ўлдиргин, мени, севгилим,
Хоҳ кеч, хоҳ эрталаб ўлдирсанг, майли.
Сўнгги эшитганим сўз бўлсин: «Жоним!»
Энг сўнгги боққаним — чеҳранг иболи.

Ширин оғушингда эркалаб ўлдир,
Сўнгра мени йўқлаб келганлар, фақат,
«Юраги шодликдан ёрилган» — десин, —
Улган жойи, — дея айтишсин, — жаннат».

Фозил НЕЪМАТОВ

Ўтган Кун ёки кесилган бош — Қуёш ҳақида баллада

Кўкнинг боши — Қуёш кесилди,
Яна зулмат қилди тантана.
Кўкка маржон каби тизилди
Ғам-андуҳли кўз ёшлар яна.

Кунни чорлаб гентирайди Ой
Тирилтирмоқ бўлади қайта.
Кесилган бош — Қуёш олдига
Бориб қолар қўшиқлар айта.

Бир сесканиб кўзин очади,
Тирилади қўшиқдан Қуёш.
Ўтган Кун-чи, тирила олмас, —
Қуёш ўзга кунга бўлар «бош»...

Рўзман КЕЛДИЕРОВ

* * *

Ўзим кўтаролмай қолган бошимни,
Естигим кўтарди, ёр билмайди ҳеч,
Кўзим сиғдирмаган дардли ёшимни
Естигим ютади ёрилмайди ҳеч...

* * *

Иккимиз ҳам оҳ-фиғонда ёш қуямиз,
Иккимиз ҳам гўримизга тош қўямиз.
Иккимизнинг керагимиз икки ёрда,
Лекин икков бир ёстиққа бош қўямиз...

* * *

Қуёш ерга, юлдуз ой томон кетди,
Ой ва юлдуз нури тонг томон кетди.
Жисми олов Қуёш ўртанди, ёнди:
«Моҳим, энди сенсиз қай томон кетгум?»

Дилшод РАЖАБОВ

Қиз қўшиғи

Совчилар-ей — овчилар
Бошим боғлаб кетдилар.
Бахтимни овловчилар
Бағрим доғлаб кетдилар.
Бўлғай аза-ю мотам
Тўю тўйхона менга.
Зар-тиллодан бўлсаям
Уйи ғамхона менга.
Оҳлар қилдим худога
«Тўй меники бўлмасин.
Остонаси тиллодан
Уй меники бўлмасин.
Дарёнинг нарёғида
Мўъжазгина қапа бор.
Унда бағри доғгина
Кўнгул берган акам бор».
Зор йиғладим эрта-кеч,
Уй, ёшимга ғарқ бўлди.
Наф бўлмади лекин ҳеч,
Тўй бўлиши нақд бўлди.
Англадим, бу ҳаётда
Яшаш шарт тик бош билан.
Етиб бўлмас муродга
Оҳ-воҳу кўз ёш билан.
Бошим боғлиқ экан деб
Бош эгишим керакми?
Хайрият боғлаб бўлмас
Бу дунёда Юракни!
Тўкмасман ҳеч ёшимни
Муродимга етарман.
Олсалар ҳам бошимни
Юрак билан кетарман!

* * *

Деразани чертар томчилар,
Сени бир бор кўрмоқ қасдида.
Гулим, етар, бошингни кўтар,
Гулим, етар қайтгин аслиннга.

Деразанга урилар барглар,
Деразанда нур ўйнар титроқ.
Юрагинга қайтар у дардлар,
Сен аслиннга қайтмайсан бироқ.

Умидларим сўнар басма-бас,
Юрагимга совуқлик солиб.
Бу ерлардан мен кетаман, бас,
Қаландардай, бошимни олиб...

...Мен қайга юз бурмай, девона,
Фақат сенга элтар йўлларим.
Деразангни чертади яна,
Емғир бўлиб менинг қўлларим.

Курсдошларимга

Бунча тез ўтмоқда бу учқур йиллар,
Бунча тез... Дилимда унсиз бир фарёд.
Кеча салом учун чўзилган қўллар,
Эрта «хайр!» дея силкинар наҳот.
Шошилиб яшаймиз «эрта»га аммо...
(Шу аммо ўтида ўртанар кўксим.)
Боқдим: эртанимизда ёруғ бир дунё,
Фақат бир-бировдан йироқмиз, дўстим.
Утира олмаймиз, (бу — чин ҳақиқат)
Бир умр синфда шундоқ ёнма-ён.
Кунлар юракларни яқинлаштиради,
Ўзимизни эса тортар ҳар томон.
Майли, бизни йиллар ҳар ёнга сурсин,
Кетсак-да қай маскан, қай манзил сари,
Доим ҳол сўраш-чун чўзилиб турсин
Ўзун қўлларимиз — дўстлик хатлари.



Ёш куч Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий бадий
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 12(30) декабрь, 1988

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор
Худойберди ТУХТАБОВЕВ
Редколлегия
Шохруҳ АКБАРОВ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДУСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОВЕВ
Эркин МАЛИКОВ
(масъул секретарь)
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Латиф МАҲМУДОВ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Йўлдошали ТОЖИБОВЕВ
Александр ФАЙНБЕРГ
Александр ФРОЛОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Техредактор Файзулла БАРИМОВ

«Ёш куч («Молодая смена») — ежemesячний
общественно-политический и литературно-
художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧГСП.
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:

78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд
асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир
босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига
қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» —
«Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши
шарт.

«Ёш куч» — «Молодая смена», 12, декабрь,
1988

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмаҳонага туширилди. 12.10.88 й. Босишга
рухсат этилди 23.11.88 й. Офсет усулида чоп
этилди. Р—15868. Қоғоз формати 70×108¹/₈.
Қоғоз ҳажми — 4 лист. Шартли босма листи
5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 187512
нусха. Буюртма № 4534. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени
ли босмаҳонаси

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.



Рассом В. Ким. Ҳалоскор совет жангчиси.

